

А-380 "Ўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлидаги бунёдкорлик ишлари



A-380

Мамлакатимизда халқаро талабларга тўла жавоб берадиган миллий автомагистраль барпо этиш, уни дунё йўлларига туташтириш, автотрассалар бўйида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Унга кўра, Ўзбек миллий автомагистрالي таркибига кирадиган автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом этирилмоқда.

Жумладан, мамлакат автомобиль йўлининг улкан артерияларидан ҳисобланган А-380 "Ўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" халқаро автомобиль йўлининг курилиши йўлсозларимиз олдига қўйилган биринчи даражали вазифалардандир. Бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, А-380 "Ўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлида фақат ўтган йилҳисобида 118 км узунликдаги автомобиль йўллари реконструкция қилиш ишлари бажарилди.

Унга қадар, А-380 йўлининг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтган 440-581 км қисмини қайта куриш ишлари бўйича халқаро тендер савдолари ўтказилиб, унда қатнашган Корея Республикасининг POSCO.CO ҳамда Германия Федератив Республикаси "RAPENBURG" компаниялари объектларнинг цементобетон қопламасини куриш ишларига бош пудратчи этиб тайинланган ва йўлнинг 141 км қисми куриб битказилган эди.

Объектнинг тупроқ кўтармаси ва асосларини куриш ишларида маҳаллий пудратчилар – Ромитан ТЎХПТФК, ТошкентКХСИТФК, Қорақалпоғистон КХСИТФК қатнашди.



А-380 "Ўзур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 812-832 ва 832-846 км қисмини (Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида) қайта қуриш бўйича қурилиш монтаж ишлари Тошкент КХСИТФК ва Шимолий-Ғарбий ХДААЙСИТФК томонидан олиб борилган бўлиб, 34 км юқори сифатга эга йўл қуриб битказилди.



Қайта қурилгандан сўнг, юқоридаги объектлардаги йўлнинг ҳолати II-техник тоифали йўлдан I-тоифага ўтказилиб, юк кўтариш қобилияти бир ўқга (ось) 13 тн юк тушишига мўлжалланган даражага келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу -ўзбек миллий автомагистралининг таркибий қисми саналмиш халқаро аҳамиятдаги А-380- "Ѓузур-Бухоро-Нукус-Бейноу" автомобиль йўлининг юқоридаги кўрсатилган бўлимларида қайта қурилган 175 км қисмига кўшимча равишда яна 118 км йўл жаҳон стандартларига мос сифатда қуриб битказилди. Эндиликда бу равон ва шу билан бирга мустаҳкам сифатга эга йўллар ҳали кўп йиллар давомида халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда асқотибгина қолмай, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига ҳам хизмат қилади.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати